



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

ЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 115 (20.982) 1991 йил 18 июнь, сешанба

Ўзнома йилига 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тийин.

Сессиядан кейинги ўйлар

ЕЛЖАДОШЛИК

Одам бир нарсдан қаттиқ таъсирланса, ўша хаёлда мудом қарх уради. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг куни кеча ўз ишни тамомлаган бешинчи сессияси шунақа таассурот қолдирди. Жумладан, сессия минбаридан туриб маъна бундай дейилди: «Халқимизнинг тақдирини ўйлаб, ҳозир бошимизга тушган катта савдоларни, табиий офатларни тез қиларда бартараф қилиш учун елкадош бўлайлик».

Ҳа, елкадош бўлганга нима етсин! Чунки ҳозир Ўзбекистон ҳам бутун мамлакатдаги каби қийин савдоларни бошдан кечирмоқда. Аҳолини зарур моллар билан таъминлаш кундан-кунга оғирлашиб бораётган. Нарх-наво аса баланд. Хўжалик алоқани издан чиқарибди. Интисом, жамоат тартибидан пуртур нетди. Кўп қорхоналар, қурилишлар, мулкдорлар ишларини адо этишга қийналиб турибди. Бозор иқтисодиети муаммолари ҳар бир кишининг эл-юртга садозати ни сергак синовдан ўтказмоқда.

Бир нарсга амин бўлмасликнинг иложи йўқ. Ҳозир халқ тақдирини ўйлаб иш тутгилар обрўси ортиб бораётган. Ана шундай баоб-рў, меҳнатнаш, эл хизматига садоқатли, билимдон, халқларар ишларининг мислига байраг-шижоати билан Ўзбекистон мустақил ва суверен республика деб эълон қилинди. Бундай ва-зиратда енгил-елпи тадбир-у, қон-қон ваъдалар билан иш битмайди. Халқимизнинг бугунги сиёсий савииси, онги ва миллий ғурури баландлашди, ҳаёт ўртага қўйётган ҳамма масалаларни шунга яраша таҳлил этишми-нос фарз бўлиб қолмоқда. Кимки бунга ҳисобга олмас, ўзидан кўрсин — хатога йўл қўймайди, деб писанда қилмасиз қўя қолсин.

Билмасиз, қийин вазиет кишиларни обдон саралайди — сарганин-саранин, пучагини пучакка ажратайди. Ким жонқулар — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қатъий интилаётган, кимлар бақирин-чақиринлар, ур-йиқитлар, митингбозлик билан овора — қафтдагидек кўришиб турибди. Бошқача айтганда, халқ тақдирини ўйлаётганлар ким-у, томоша биллар, қилдан қийик ахтарайтганлар ким — бунга ҳозир осонгина фарқлаш мумкин.

Ҳозир республикадаги маъжуд интизомий-сиёсий вазиет ҳолатларини аниқ на-зар-этиборга олиб иш тутиш керак. Тўғри, Ўзбекистонда кун кечириб мамла-катнинг бошқа минтақалари-даги ишбонан сал енгил-роқ, Лекин бу ҳолат одам гуноҳдон бўлганини билдир-майди. Шунинг унутмаслик кераки, мамлакат миёнаси-даги ҳодисалар Ўзбекистон-га ҳам ўз таъсирини ўтказ-майди, деб уйлашга нафолат йўқ.

«Гуруч қурмасиз бўл-мас», деганлари рост. Ора-мида шундай қулар ҳам борки, мамлакатдаги оғир вазиетдан ўзгазали мақ-садлари йўлида фойдала-нишга — пашадан фил-ясашга уринишди. Навоий-азот ишлаб чиқариш бир-

лашмаси дарвозаси олдида яқинда рўй берган воқеа нимадан бошланиб, нима билан тугатилган муҳтарам муштарий хабардор. Бу ҳа-да ҳар ким турлича фикр билдирди. Ўзбекистон ССР Президенти вакили — ушбу бирлашма ишлаб чиқариш ва иқтисодий муаммолар ди-ректори Толиб Саидовнинг мана бу мулоҳазаси аса ҳа-қиқатни акс эттиради, деб ўйлаймиз:

— Кимлардир можарони миқлатларга можадор деб кўрсатишга уринаётганли-гини билан, ҳаммаси бе-ҳуда гаплар.

- Иш билганлар олға юрар ҳаминша
- Оғир кунда дўст ярайди қуниинга
- Ҳамжиҳатлик мурдога етказида
- Мустақиллик — ойдин йўлимиз

Ени Яққоб районда одамларни йўлдан оздириш-га даъват қилган Шовриқ Рўзимуродовнинг хатти-ҳа-ракатини олайлик. У Ўзбе-кистон ССР халқ депутати-га хос иш тутмади, тартиб-бу-хослик келтириб чиқ-ришга уриниб кўрди. Бир-роқ... бу ёни ўзингизга маъ-лум.

Кўриб турибсизки, одам-ларни қўзғатиш учун жуда ақлли бўлиш шарт эмас. Евуз ниёти бирор киши «туғурт» қақса ҳозир хўл-қудуқ баравар ёнида эҳти-мождан узоқ эмас. Биз ана шундан эҳтиёт бўлишимиз керак. Бундайларнинг ниёти аниқ — сохта доҳийлик минбарини эгаллаб, ўзини халқ ҳамойичиси қилиб кўр-сатиш. Юз бериши мумкин бўлган тўп-тўполоннинг оқи-батини улар ўйлашмайди.

Бунда тонфадагиларда субут бўлмайди. Бозор иқ-тисодиётига ўтишда бошқа-лардан кеч қолдиш деа неча-гина аҳоласи солган шун-дай кишлоқлар бугун — де-мократия Ўзбекистонга ке-рмиш, останада қолиб кет-ди» деб нолий бошладилар. Ахир Ўзбекистон ўз шаро-итини, имкониятларини ҳи-собига олган ҳолда бозор иқ-тисодиётига ўтаётганини ҳамма кўриб-билди турибди-ку! Энди аса ўша тонфада-гилар: «Нега нарх ошди, ахир халқ хонавайрон бўл-ди-ку» деб бақиринишга ўт-дилар.

Бақиринлик билан бозор-да арзончилик бўлиб қол-майди. Ҳамма нарсани аниқ-ши, қурилиш амалий тад-бирлар ҳал этиди. Чегда-да туриб ҳамма нарсани қор-лаш ўринга жўяли тақлиф 8 самара берадиган иш қилиш фойда келтиради, шундай

кишилар турмадан гайри-қонуний чиқариб юборилёт-ган эмиш! Фунароларга то-морқа бериш, шахсий чорва-га ем-хашак ажратиш ҳам қонуний эмиш. «Умуман Президент Каримов бу қо-лоқ ва камбағал ўлкада қаердан пул топади?» деб жингибйорон бўлишларини айтмайсизми! Қизик, ишлари нима? Ҳозир — ҳар ким-нинг иззат-нафисини ўрнига қўйиб, қонуний шартномал-лар асосида ўзаро алоқа қилинадиган, ўз араваини ўзи тортадиган замон. Бозор иқтисодиёти масалани шу таҳлилда қўймоқда.

Олди-қолди, ҳеч нимага таянмаган айномалар тар-қатиш елкадошлик талаб-лари зид. Бу — ахшилик, ҳамкорлик аломати эмас. Бу — биринчидан. Иккинчи-дан аса Ўзбекистон — мус-тақил жумҳурият, ўз тана-лар йўли бор. Ўз ҳуқуқи, ўз диди, ўз маданияти, тарихан ташкил топган қадимий қад-риятлари бор. Наҳотки мана шу ҳаётини яхшитарлар билан ҳисоблашмасиз?

Сессияда алоҳида таъкид-лаб ўтилганидек, халқимиз-нинг шани, ор-номусини ҳи-моя қилиш учун, унинг шў-ратини тиклаш, анганаларни ҳимоя қилиш учун ҳеч нарсани аямаймиз, йўлми-здан қайтмаймиз. Амалга оширила бошлаган қўтлуғ ишлар ва уни кенг қўлмада-рубга чиқаришнинг муваф-фақияти — Ўзбекистондаги соғлом кучларнинг жиқис-лашувига, елкадошлигига бо-ғлиқ.

Аслида кейинги сессия ишлаб чиққан ойдин йўл-нинг қиймати ҳам, бизнинг-ча, шундан иборат.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ.



БИРИНЧИ ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИ

Бутун нафақахўр, шахтёр Иномали Абду-сандов ва унинг рафиқаси, Қаҳрамон она Ҳадича опалар оиласида шоду ҳуррамлик. Улар бола-чақалари, қариндош-уруғлари ва ёру-биродарлари билан ҳовли тўйини ўтказишляпти. Янги Жигаристон посёлкасида қурилаётган элликта уйлاردан биринчиси мудатидан олдин — ўн беш кун барвақт фойдаланишга топширилди. Табиий офат ту-файли жигаристонликлар бошига оғир кул-фат тушганда айримлар янги қўрғон бунча-лик тез қад кўтаришини ўйлаб ҳам кўрмаган

эди. Ойнинг ўн беш қоронгу бўлса, ўн беш ёруғ, деб шунга айтидиладар-да.

Жумҳуриятимизнинг қўпгина бинокорлик жамоалари ҳозир енг шимариб, жигаристон-ликлар дардида малҳам бўлиш, уларнинг оғрини енгил қилиш учун барча имконият-ларни ишга солмоқдалар. Булар орасида пойтахт вилоти қолхозларро қурилиш трес-тига қарашли 15-қўчма механизациялашган колонна жамоаси ҳам бор. Асли Пискентда жойлашган мазкур колонна меҳнат аҳли ҳо-зир Ангрена виждонан меҳнат қилаётир. Улар Пискент ноҳияси аҳолиси маблаглари

ҳисобига смета қиймати 50 миғ сўмдан зиёд бўлган биринчи коттежлар қуриб бердилар. Ҳадемай ана шундай уйлاردан ўнгасининг июль ойининг охириларда эгаларига топши-риш мўлжалланмоқда.

Коттежларнинг ҳаммаси пишиқ гиштдан бунёд этилмоқда. Хоналар кенг, шинам, ёруғ. Ҳар бир хонадонда 8 сотихдан иборат томорқа ҳам бор. Бу ерда мева-сабзавот етиштириш, қўшимча хоналар бунёд этиш, мол боқиш имкони бўлади.

...Бутун Иномали ака, Ҳадича опалар хона-донда тўй. Жигаристоннинг азият чеккан бошқа кишиларига ҳам янги уйлар малити топшириладиган кунлар тобора яқинлаш-моқда.

Суратларда: 1. Иномали ака ва Ҳадича она янги уйда фарзандлар даврасида. 2. Жи-гаристондаги қурилиш манзараси.

В. МИЛЕНЬКИН (ЎзТАГ) олган суратлар.

Совет Социалистик Республикалари

Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҒРИСИДА

Телекўрсатув ва радио-эпиттиришни ривожланти-ришга, почта алоқаси хизма-тининг сифатини яхшилашга шаксан қўшган катта ҳи-салари ва юксак меҳнат унумдорлигига эришганли-лари учун қуйидагилар мукофотланган:

ХУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН
Халипов Юрий Петрович — Бухоро вилоят радио-телекўрсатув узаитиш маркази-нинг бошлиғи.

II ДАРАЖА МЕХНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН
Раҳимов Омон Ҳидоят-вич — Бухоро шаҳар теле-фон тармоғининг кабелчи-кавшарчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕХНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН
Алиев Тўлавоий Султоно-вич — Тошкент шаҳар поч-та алоқаси ва матбуот тар-қатиш ишлаб чиқариш бир-лашмасининг оператори

Ашуров Тўхтамши Жума-евич — Бухоро вилоят ра-дио-телекўрсатув узаитиш маркази ишлаб чиқариш ла-бораториясининг катта му-ҳандиси

Примов Нуриддин Мир-эпиттиришни ривожланти-ришга, почта алоқаси хизма-тининг сифатини яхшилашга шаксан қўшган катта ҳи-салари ва юксак меҳнат унумдорлигига эришганли-лари учун қуйидагилар мукофотланган:

Усмонов Рўзиқул — Бу-хоро вилоят радио-телекўр-сатув узаитиш маркази «Лан-гар» радио-телекўрсатув узаитиш станциясининг му-ҳандиси

Ҳайдаров Рауф Ҳайдар-вич — Бухоро вилоят ра-дио-телекўрсатув узаитиш марказининг бош муҳанди-си.

Совет Социалистик Жум-ҳуриятлари Иттифоқи Пре-зидентининг Фармонида му-вофиқ, СССР Транспор-т қурилиш вазирига қар-рашли «Трансвэрпро» би-лан «Трансгнэластрой» трес-тларининг бир гуруҳ хо-димлари СССР орден ва медаллари билан таъдир-ланишди. Улар бундай юк-сак мукофотга меҳнатда барқарор юқори қўрсаткич-ларга эришганликлари ҳам-да муҳим транспорт объ-

«МЕХНАТДА УРНАК КўРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН
Сектиненко Лилия Алек-сандровна — Тошкент ша-ҳар почта алоқаси ва ма-тбуот тарқатиш ишлаб чиқ-ариш бирлашмасининг учас-та бошлиғи.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 14 июнь.

МУКОФОТ МУБОРАК
Совет Социалистик Жум-ҳуриятлари Иттифоқи Пре-зидентининг Фармонида му-вофиқ, СССР Транспор-т қурилиш вазирига қар-рашли «Трансвэрпро» би-лан «Трансгнэластрой» трес-тларининг бир гуруҳ хо-димлари билан таъдир-ланишди. Улар бундай юк-сак мукофотга меҳнатда барқарор юқори қўрсаткич-ларга эришганликлари ҳам-да муҳим транспорт объ-

ектларини бунёд этишда ишларини сифатли бажар-ганликлари учун сазовор бўлдилар.

МОЛ БИРЖАСИ ОЧИЛДИ

15 июнь куни Тошкентда университет мол биржаси иш бошлади. Уни жумҳурият савдо, воситаси ва саноат вазириларининг ҳамда идора-лари, шунингдек, Тошкент шаҳар иқтисодий комитети таъсис этди. Биржа Ўзбе-кистон корхоналари ва ташкилотлари Иттифонда-ги ҳамда хориждаги шерик-лари билан бевосита хўжа-лик алоқалари ўрнатилди.

УЧРАШУВ АРАФАСИДА

Бутун жумҳуриятимиз пойтахтида савдо-саноат доиралари вакилларининг ўз қўламини кўра мислиси анжумани — «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» очилди. Мазкур учрашув арафасида матбуот конфере-нцияси бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот восита-лари вакиллари ишбилармонларнинг катта анжумани-га қўрилган тайёргарлик ишларидан бохабар этилди.

Жаҳондаги қарийб 200 фирма Тошкент учрашувида қатнашишга розилик бил-дирди. Қўлдан-қўп фирма-лардан вакиллар жумҳури-ятимиз пойтахтига етиб келди. Нуфузли анжумани ўтказ-ишдан асосий мақсад — бу Ўзбекистон ССРнинг хори-жий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва ма-даний алоқаларини йўлга қўйишдан, жумҳурият-нинг экспорт имкония-тининг ривожлантириш учун хорижий фирмалар, корпо-рациялар, банклар билан алоқаларни ўрнатидиган иборат. Ўзбекистон ССР-нинг Мустақиллик тўғриси-даги декларацияси, ўн иккинчи қақирин Ўзбеки-стон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси қабул қил-ган «Ўзбекистон ССРда ташиқ иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва «Ўзбеки-стон ССРда чет эл инвести-циялари тўғрисида»ги қо-

нунлар бу йўлда катта им-коният очади.

«Тошкент ишбилармон-лар учрашуви» қатнашчи-лари анжумани давомида жумҳуриятимизнинг кенг имкониятлари билан яқин-дан таниша оладилар. Бу эса ўзаро манфаатли ҳам-корликни йўлга қўйишда муҳим қадамдир. Хорижий бизнесменларнинг Тошкент учрашуви шак-шубҳасиз Ўз-бекистон иқтисодий имко-ниятларини кенгайтиришга, унинг халқро майдонга чиқиб олишга қўмаклаш-ди.

«Тошкент ишбилармон-лар учрашуви»га бағишлан-ган матбуот конференция-сида Ўзбекистон ССР Таш-қи савдо ва хорижий ало-қалар давлат қўмитаси ра-ис А. С. Махдумов журна-листларнинг қўлдан кўп са-воаларига жавоб берди.

А. РҒЗНЕВ.

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КОММУНИСТЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚАРАТАЙЛИК

15 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулот-лари билан таъминлашнинг ташкил этиш масалалари билан шугулланувчи Марказий Комитет комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Навоий шаҳар ва Ёнқуду-вон район иқтисодий комитет-ларининг аҳолини энг кам меъёрга белгиланган айрим моллар билан таъминлашга доир ишдаги жиқидий кам-чиликлар тўғрисидаги маса-ла қўриб чиқилди. Бухоро вилоят иқтисодий комитети, юқорида кўрсатилган район ва шаҳар иқтисодий комитет-ларининг коммунист раҳ-барлари топширилган ишни бақариш учун шахсий жа-вобгарлиқни ҳис қилмаган-

дўконларга молларни олиб келиш ва аҳолига сотишни ҳисобга олиш йўлга қўйла-магани таъкидланди. Ик-рония комитетлари бу маса-лар билан мунтазам шу-гулланмайтилар, маҳаллий ва хўжалик идоралари куч-гайратларини мувофиқлаш-тириш керак бўлган район штаблари ишламайти.

Бухоро вилоят иқтисодий комитети, Ўзбекирлашув ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг коммунист раҳбарларига бир ҳафта муддатда кўрсатилган кам-чиликларни тугатиш, айб-дорларни қаттиқ жавобгар-ликка тортиш ва бу соҳа-ларни билимдон кадрлар

билан мустаҳкамлаш юза-сидан тадбирлар қўриш топ-ширилди.

Комиссия Тошкент шаҳар иқтисодий комитети раиси-нинг биринчи ўринбосари ўртоқ С. Т. Тошқудовнинг Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо-сини ташкил этишдаги кам-чиликларни тугатишга доир қўриладиган тадбир-лар тўғрисидаги ахборотини тинглади. Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат тиз-мининг раҳбарияти аҳолига мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш хизматини яхшилаш учун бор куч ва гайратла-рини сарфлаётганликлари тўғрисидаги ахборот маълу-

мот учун қабул қилинди. Республикадаги барча вилоятлар шаҳар аҳолиси-ни бу маҳсулотлар билан таъминлашларига доир иш-лар йўлга қўйилмоқда, яқин кунларда қишлоқ хў-жалик маҳсулотлари савдо-си ёйма бозорлари ташкил этилади.

Комиссия мажлисида Ўз-бекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳ-камасининг озиқ-овқат маҳ-сулотлари ва молларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишни рас-мийлантириш тартиби тў-ғрисидаги тақлифи ҳам қўриб чиқилди.

(ТАСС).

Уш иккинчи чақириқ Узбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ ИШ ТАРТИБИНИНГ ЛОЙИХАСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 3-бетда).

мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Олий Кенгашнинг қарорига кўра ўта муҳим қонунларнинг лойиҳалари умумхалқ овоз беришнинг (референдумга) қўйиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.

лаш, шунингдек Ўзбекистон ССР прокуратури ҳамда унинг ўринбосарларини, бош давлат ҳақами ва табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш билан боғлиқ бўлган масалалар аниқ ёритиб берилган.

ди. Лойиҳанинг махсус моддаси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сўровини киритиш ҳамда уларни қараб чиқишни тартибга солишга бағишлангандир.

Умуман олганда тақдир этилаётган Ўзбекистон ССР Олий Советининг иш тартиби лойиҳаси Олий Кенгаш самарали ишлашини таъминлайди, Республика давлат ҳокимияти олий органнинг иш таърибига, таъини, бу ҳужжатда айрим тугатишлар киритилишини тақозо этади. У мунтазам янгиланиб бориши ва такомиллаштирилиши керак. Шу сабабли

ушбу ҳужжатни қабул қилиш тақдирини қириқтиришда. Яна бир масала тўғрисида айиб ўтмоқчиман. Сессия кун тартибига Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгариш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Унда жумладан Олий Кенгаш сессиясини аввал бўлажакда, балки Олий Кенгаш Раёсати чақириши кўзда тутилмоқда. Шу каби бошқа лойиҳа қондалар ҳам бор. Ана шу қонун лойиҳаси тақдирланганидан кейин иш тартиби ҳам унга мослаштирилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУКУМАТИ ТАБИЙ ОФАТЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КЎРАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ахбороти

Хурматли депутат ўртоқлари! Бу йил кўнлам ноқулай келганини сезлар яхши биласизлар. Дехқонларимиз айниқса ташвиш тортдилар. Май ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида бир қатор вилоятларда қаттиқ жапа, сел ёққанлиги, сув тошқинлари натижасида қишлоқ ҳўжалигига катта моддий зарар етказилди.

Табиий офат Қорақалпоғистон, Хоразм, Наманган, Самарқанд, Қашқадарь, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ҳўжаликларида экинлар, уй-жойлар, сув иншоотлари ва бошқа объектларини ноубуд қилди.

тезроқ тугатишда ҳўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек, аҳолига ердам кўрсатиш учун СССР Вазирлар Маҳкамаси жумхуриятимизга 1991 йилда қўшимча равишда катта маблағ ажратди.

моддий ресурслардан тўғри фойдаланиш устида бораётган. Даволаш пайтларида жапа ва тошқиндан зарар кўрган майдонларда экинларни илқони борица сақлаб қолди, уларга ишлов беришни кўчайтириш тавсия этилган эди. Ленин об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши натижасида бунга эришиб бўлмади. Катта майдонда (273 минг гектар) ғўза ва бошқа экинларни қайта экиштиш тўғрисида. Қоғир (11 июнга бўлган маълумотга кўра) қайта экилган майдонларда ғўза ушиб чиқди, ҳамма жойда асосий кўчлар экинларга ишлов беришга жалб этилган.

Бу вилоятларда 973 минг гектар экин майдони, шу жумладан 750 минг гектар ғўза, 28 минг гектар сабаот, 20 минг гектар полиз экинлари, шунингдек бир неча ўн миң гектар талла, беда, макнажўхори майдони ҳамда боғлар, узумзорлар зарарланди.

Ишлаб чиқариш объектларини қайта тиклаш ва янгиларини қуриш учун 380 миллион сўм капитал маблағ ажратди. Бу маблағлар ана шу ишларни бажаришга тўла етди.

Бундан ташқари табиий офатдан зарар кўрган объектларда ремонт-қайта тиклаш ишларини олиб бориш учун 80 миллион сўм. Табиий офатдан зарар кўрган аҳолига пул нафазларини тўлашга 51 миллион сўм.

Енгил-мойлаш материаллари, қишлоқ ҳўжалик техникаси ва ускуналар мўддатидан илгари етказиб берилган бошланди.

Қаттиқ шамол ва сув тошқини оқибатида 21 миңдан кўп уй-жой, 100 дан ортиқ мактаб ва болалар боғчаси, 250 илқометр автомобил йўллари, 200 илқометрлан кўпроқ суғориш шохобчаси ва 113 кўприк ишдан чиқди.

Табиий офатдан зарар кўрган экин майдонларида 10 фўндоқчилик мўкин. Ҳог ва узумзорларда ҳосилнинг 20-25 фоизи ноубуд бўлган.

Табиий офат оқибатларини тугатиш борасидаги ишларни бажариш учун 1991 йилда қўшимча равишда моддий-техника ресурслари ва озиқ-овқат моллари, бинокорлик материаллари ва табиий офатдан зарар кўрган вилоятларнинг аҳолисига сотиш учун қўшимча равишда халқ истеъмолчи моллари ажратилди.

Маня шу ақратилган пул маблағлари, моддий ресурслар ҳамда материаллар табиий офат келтирган зарарни қоплашга етди. Бу ерда гап қайта экилган майдонлардаги экинларга ишлов бериш, тиклаш ишларини пайсалга солмаслик, ақратилган пул маблағлари,

Кейинги бир неча йил ичиде бизнинг қишлоқ ҳўжалигимиз табиий офатдан шу қадар катта зарар кўрмаган эди.

Ўзбекистон ССР Президент Ислам Абдуғаниевич Қаримов, жумхурият ҳуку-

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон об-ҳавони ўрғаниш марказидан олиingan маълумотга қараганда ҳафта мобайнида ҳам ҳавонинг беқарор бўлиши кўтилмоқда. Жойларда ёғётган ёмғир жапага айланishi мўкин. Айрим ҳудудларда гарбдан эсаяётган шамолнинг тезлиги секундига 17—22 метрга етади. Ҳарорат кечалари 11—16 ва 17—22, кундузи 25—30 ва 31—36 даража атрофида бўлади. Жанубий ҳудудларда кечеси 13—18 ва 19—24, кундузи 27—32 ва 33—38 даражаче етади. Ҳароратнинг ўртача миқдори мейёрдан камроқ бўлиши кўтилйапти.

...САЛОМАТЛИК

«Семашко» номидаги тиббий дeвалoш ва табиий тиклаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг шарҳига қараганда, ҳаводаги бундай ўзгаришчилик таъсирчан кишиларга ноқушлик келтириши мўкин. Жумладан юрак-қон томир, қон босим, бош миёа ва нафас йўллари хеста кишилар ўзларини бироқ ноқулай сезадилар. Бундай беморлар даволовчи шифокор билан бамаслаҳат тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи ва қон босимини туширувчи дори-доримонлардан фойдаланишлари тавсия этилади.

• Пиру-бадавлатларимиз



Сўх ноҳиясининг Янгияриқ қишлоғида яшовчи Сайлинисо хола Олимова бу йил 108 баҳорини қарши олди. Онаҳоннинг неваре-эваралари 117 нафарга етди. Суратда: Сайлинисо хола қизи ва набираси билан. Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тошкент шаҳар Ювусобод даҳаси 4-мавзесида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фарииси Абдулла ака Тўрахонов мурожаат қилиб, кейинги пайтларда мавзедә соғина шамол бўлса ёни эсинир ётса электор цирוףлари тез-тез ўнб қоладиган одаг чиқарилганини билдирди. Дарҳақиқат, нафакат Ювусобода, балки Тошкентнинг қўнгина маҳаллаларида ҳам шу аҳвол. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги электор тармоқларини ишлашни бошқармаси бошлиғи Тошпулат Анорбеова мурожаат этдик. У жумладан қуйидагиларни айтди.

ЧИРОФИНГИЗ ЎЧМАСИН
ортиқча, яъни имконият чегарасидан кўп ишлаштига тўғри келмоқда. Масалан, лойиҳага кўра ҳар бир хонадон учун 2 киловатт (2000 вт)га мўлжалланган электор ўзаткичи ўрнатилди. Барча ишлар шунга кўра режалаштирилади. Хонадонларда аса бундан 2-2,5 мартга кўй электор сарфланади. Натижада лойиҳа қувватидан ортиқча ишлаштилаётган электор тармоқларига зўр келади.

• Муштарий ШИКОЯТ ҚИЛАДИ

Чунки, Тошкент электор тармоқлари корхонаси шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ирригация трести билан туздан шартномага кўра, трест ўзининг зиммасига тармоқларни дарактлардан тазалаш мажбуриятини олган. Ярим йилда атиги 13 миң сўмлик иш бажарилган ҳолос. Бу ҳақда яқинда шаҳар иқроия комитетида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам гапирилди. Аммò ҳанузгача ўзгариш бўлгани йўқ. Тошкент шаҳрида электор кабелларнинг аридан кўпи 1966 йилги зилзиладан кейин ётқизилган. Уша кабелларнинг дeярли ҳаммаси хизмат мўддатини ўтаб бўлди. Мўлжалмизга кўра ҳар йили 100—120 километр кабелни янгиллашимиз керак. Бу иш учун ашё ажратилмайпти. Бир амаллаб ҳар йили 15—20 километр кабелни ўзимиз тоғиймиз. Ленин бу билан муаммони ҳал қилолмаптим.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ШИФОКОРЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ ИЛМГОҲИ қуйидаги ихтисослар бўйича АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КҮНДУЗГИ — микробиология, акушерлик ва гинекология (2), асаб касалликлари (2), ички касалликлари, кўз касалликлари, педиатрия (3), болалар юқумли касалликлари, онкология, патология анатомия, психиатрия, стоматология, анестезиология ва реаниматология, юқумли касалликлар, пульмонология, кардиология, жаррохлик. СИРТИҚИ — микробиология, курортология ва физиотерапия. МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА: КҮНДУЗГИ — ички касалликлари, кўз касалликлари, педиатрия. ҚЛИНИК ОРДИНАТУРАГА: Болаларнинг асаб касалликлари (2), кўз касалликлари, педиатрия (7), шифокорлик-меҳнат экспертизаси, психиатрия, неврология, акушерлик ва гинекология (6), стоматология (4), болалар физиатрияси, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, онкология, ультраовуш таъхиси (2), асаб касалликлари, физиотерапия ва даволаш маъшилари, юқумли касалликлар, травматология ва ортопедия, неонатология (2), жаррохлик (2), ички касалликлари (3), кардиология (2), урология (2), пульмонология, дермато-венерология, болалар стоматологияси, эндохронология, болалар функционал таъхиси, анестезиология ва реаниматология, болалар юқумли касалликлари, қўдоғ-томоғ-бўрур касалликлари.

Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги, 1-ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ 1991—1992 ўқув йилига Ўқувчилар қабул қилади

ТЕХНИКУМ КИЧИК МУҲАНДИС (техник) — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАСТЕРЛАРИНИ ТАЙЙЕРЛАЙДИ. Ҳунар-техника билим юрталарида ўрта махсус билим юрталарида ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида, мактабларда ишлаб-чиқаришни ўргатувчи мастерлар, катта мастерлар, ўқув устахоналарида ишлаб-чиқариш техникни, айрим ҳолларда ишлаб чиқаришда уастча мастери ва ишни ташкил қилиш бўйича муҳандислик лавозимларида ишлаш учун кичик муҳандис-ишлаб чиқариш мастерларини таййерлайди.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ШИШОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ техник ваий йўналиш фанларини чуқур ўрганиш мақсадида олий билимгоҳ қошида ўзбек ва рус тилларида таълим бeрувчи интернат қўсинидаги аниейга

Ўқувчилар қабул қилади. Лицейга жумхурият ўрта мактаби 9—10 синфларининг барча фанларини «4» ва «5» баҳо билан тугаллаган, ТИҚХММОБда ўқиниш давом эттиришга истига бор ўқувчилар қабул қилинади.

Лицейга қабул қилини ўрта мактабларнинг 9 ва 10 синф дастури бўйича математика (оғзани) ва физика (оғзанидан) кириш имтиҳонларини тошширгандан кейин танлов асосида ўтказилади. Таълим олувчилар лицейни тугатгандан кейин битиринч имтиҳонлар натижалари асосида ўзлари хоҳлаган куллийтининг биринчи курсига қабул қилинади.

Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги УСМОН НОСИР НОМЛИ ТОШКЕНТ МАТБАА ТЕХНИКУМИ 1991—1992 ўқув йилига

Ўқувчилар қабул қилади. Техникумнинг кундузги ва сиртки бўлими-ларида қўйидаги соҳалар бўйича мутахассислар таййерлади: 10-11 йиллик маълумот асосида: Матбаа машиналарида техникани хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш; чоп этиш ишлари; рисола ва мўқоваларни ишлаб чиқариш; босма қопилларни таййерлаш; китоб товаршунослиги; матбаа сановати корхоналарида иқтисодийёт ва режалаштириш.

Ўқиниш мўддати «Китоб товаршунослиги» ва «Матбаа сановатида иқтисодийёт ва режалаштириш» соҳалари бўйича 1 йилу 10 ой (сиртки бўлимада 2 йилу 5 ой). Қолган соҳалар бўйича 2 йилу 6 ой. АРИЗАЛАР 16 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиниш кирувчилар қўйидаги ҳужжатларини тошширадидилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақнда ҳужжат, 086/U тиббий маълумотнома, 3x4 см.л.б. д.она сурат, меҳнат дафтрасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун). Паспорт (туғилганлик ҳақндаги гувоҳнома) ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссияга шахсан кўрсатилади. ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР ҚЎЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОНЛАР ТОШШИРАДИЛАР: ўзбек (рус) тили ва адабийталам ёзма (иншо), математика (оғзани), КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: КҮНДУЗГИ БЎЛИМДА — 1 августдан 21 августгача. СИРТИҚ БЎЛИМДА — 10 августдан 26 августгача. Ўқувчилар сафига қабул қилиш кундузги бўлимада 20 августдан 25 августгача, сиртки бўлимада 25 августдан 30 августгача ўтказилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «БИОЛОГ» ИЛИМИ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЭСИМИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИЛМГОҲИ маданий ўсимликлар агро-экологияси лабораториясининг кичик илмий ходими (даражасиз) бўш лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Танлов мўддати — 4 июлгача. Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши: 700143, Тошкент шаҳри, ГСП, Ф. Хужаев кўчаси, 28-уй.

Ўзбекистон ССР автомобил вазирлиги коллегияси ва жамоаси вазирлигининг Сирдарё автомобил йўллари бошқармаси бошлиғи Ш. Шосяидовга ўғли Эргаш ШОСАИДОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзин мазҳор этилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «БИОЛОГ» ИЛИМИ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЭСИМИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИЛМГОҲИ маданий ўсимликлар агро-экологияси лабораториясининг кичик илмий ходими (даражасиз) бўш лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Танлов мўддати — 4 июлгача. Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши: 700143, Тошкент шаҳри, ГСП, Ф. Хужаев кўчаси, 28-уй.

Ўзбекистон ССР автомобил вазирлиги коллегияси ва жамоаси вазирлигининг Сирдарё автомобил йўллари бошқармаси бошлиғи Ш. Шосяидовга ўғли Эргаш ШОСАИДОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзин мазҳор этилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Х. ИҚРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚСИМОВ, Э. С. ХУҲАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗИНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Table with 2 columns: Subscription rates and distribution details. Includes rates for different regions and contact information.